



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 69 (9565). • 1989 йил 8 апрель •

Баҳоси 5 тийин.



Совет элчихонасининг Олтин залида учрашув пайти.

ТАСС телефотоси.

СССР — Буюк Британия мулоқоти давом этмоқда

ЛОНДОН, 6 апрель. [ТАСС махсус мухбирлари]. Буюк Британиянинг пойтахти 5 апрель куни кечқурун расмий визит билан бу ерга келган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевни кутиб олди. Маҳаллий вақт билан соат 23.00 да ИЛ-62 самолёти Хитроу аэропортидаги ҳукумат терминалига бурилиб келиб тўхтади. Вақт кеч бўлиб қолганлиги учун расмий баёнот

берилш учрашув протоколида кўзда тутилмаган бўлса ҳам, жуда кўп лондонликлар, турли мамлакатлар журналистларининг катта корпуси тантанали маросимга келдилар. Самолёт пиллапоёси олдида М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачевани Буюк Британия қироличасининг махсус вакили ва қироллик аъёнлари лордлар, Буюк Британия Бош вазирининг М. Тэтчер ва унинг эри Д. Тэтчер кутиб олдилар. Аэропортда қироллик ҳарбий ҳаво кучлари

офицерлари фахрий қорсувили саф тортди ва Совет Иттифоқи гимни ижро этилди. Бугун эрта тонгдан эса визитнинг амалий қисми бошланди. Дунёдаги энг катта телекомпаниялар, телеграф агентликлари ва газеталарнинг уч юзга яқин вакиллари Буюк Британия Бош вазирининг Даунинг Стритдаги 10-уйда жойлашган қароргоҳи эшиги олдида тўпландилар. Бу бино-

нинг кўп йиллик тарихида бундай воқеа ҳали бўлмаган эди — ҳукумат музокараларида Совет давлатининг бошлиғи қатнашмаган эди. Шу сабабли репортёрлар сўнгги йилларда янги сифатга ва жүшқинликка эга бўлаётган Совет-Британия муносабатлари йилномасини тўлдирш учун бирорта ҳам имкониятни қўлдан чиқармайдилар.

[Давоми 2-бетда].

ЭКИШ АГРЕГАТЛАРИ ДАЛАГА ЧИҚДИ

Деҳқонга эркинлик, мустақиллик берилгани айни муддаодаги иш бўлди. Улар ернинг тупроқ — иқлим шароити, ҳавонинг келишига қараб, ўз имкониятини чама-лаб агротехника тадбирларини амалга оширмоқдалар ва яхши натижаларга эришмоқдалар.

Бу — пахтачиликда ҳам долзарб ишларнинг сифатли бажарилишида қўл келаетир. Аксарият хўжаликларда агрегатлар, уруғликлар, экиш майдонлари барвақт тайёрлаб қўйилган эди. Шунинг учун ҳам пахтакорлар ганимат кунлар келиши биланоқ тайлаб чигит экишни бошлаб юбордилар. Энг бияричи навбатда кунтай майдонлар, қирлик, адирлик ерларга экишга киришилди. Бу табиий ҳол. Чунки, бундай майдонларда экиш ишлари зудлик билан амалга оширилмас, ердан яам кўтарилиб кетиши, кейинчалик ишлар анча мураккаблашиб қилиши мумкин. Бекобод, Бўка, Оққўрғон, Янгийўл районлари пахтакорлари шунинг учун ҳам бундай дала-ларда экишни барвақт бошладилар.

Агрегатларни пухта созилаб қўйган, амалий машғулотлар ўтказиб яхши тайёрланган механизаторлар ҳар кунги ўрта ҳисобда 8—10 гектар майдонга чигит экимоқдалар.

Ғалаба районидagi «Коммунизм» совхозининг 3-бўлимига қарашли Қ. Рузиматов бошлиқ бригадаси деҳқонлари районда биринчилар қатори экишга киришган эдилар. Биринчилар қатори бу муҳим агротехник тадбирни тўғаллаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Экин майдонининг 107 гектар, дейди бригадир. Ана шу майдонларнинг ҳар гектарига мўлжалдаги кўчатни еттиштириб сақлаб қолши ҳозирги қилаётган ишларимизнинг сифатига боғлиқдир. Деҳқонларимиз буни яхши биладилар. Шунинг учун ҳам улар ҳар соатни ганимат билиб меҳнат қилмоқдалар.

Ҳа, областимиз пахтазорларида нихоятда масъулиятли долзарб дамлар бошланди. Деярли ҳамма районларда чигит экиш ишларига киришилди.

Экинчи вазифа ҳар бир қўлай фурсатдан, имкониятдан, техника воситаларидан фойдаланиб, тажриба, маҳоратни ишга солиб чигитни уюшқоқлик билан экиб, ернинг намига бир текис ундириб олиш, гектарларнинг тўла, кўчатларининг бут бўлишини таъмин этишдан иборатдир. Фидокор, лабзи ҳалол пахтакор деҳқонларимиз, албатта, бу ишнинг уйдасидан чиқадилар.

Уларнинг меҳнатига барак, ишларига ривож тилаймиз.

СССР—умумий уйимиз

КўНГИЛДАГИ МУДДАО

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология комиссиясининг навбатдаги мажлисида ўзбек тилига республика давлат тили статусини бериш мақсада мувофиқ деган оқилона фикрнинг айтилиши бизнинг кўнглимиздаги муддаони инфодалади.

Бугунги ошқоралик ва демократия шароитида рус тилининг миллатлараро алоқа воситаси эканлигини тан олган ҳолда уни ўрганиш ихтиёрий бўлиб, ҳар ким бу тилга нисбатан бўлган эҳтиёжини сезади деб ҳисоблаймиз. Ижтимоий ҳаёт жараёни барча миллатлар ва элатларнинг бир-бири билан яқин алоқада бўлишини та-

қозо этади. Шунинг учун ҳам рус тили мажбурий давлат тили бўлмаслиги, балки барча миллат тилларининг тенг ҳуқуқлилиги амалда намоён бўлмоғи керак. Ўзбек тилига республика давлат тили статуси берилиши қанчалик қўллаб-қувватласак, бошқа миллат тилларини ҳам қадрлашни шунчалик қўллаб-қувватлаймиз. Шу муносабат билан ясли-боғчалар ва мактабларда она тилимизни пухта ўргатишни, ўзбек тилидаги дарслик ва қўлланмалар кўпроқ нашр этилишини истардим.

М. АБДУРАШИДОВ,
Тошкент халқ хўжалиги институтининг катта ўқитувчиси.

ҲУРМАТНИ ОШИРАДИ

ЯҚИНДА 4-троллейбусга ўтириб Хадрага бордим. Ҳайдовчининг ҳар бир бекат номини аввал ўзбек, сўнг рус тилида эълон қилиб бориши кайфиятимни кўтарди. Чунки шу пайтгача ўз она тилимизга гўё менсимагандек муносабатда бўлаётганлар ҳам бор эди.

Менимча, ўз юртини, она тилини ҳурмат қилган кишигина ўзгалар юртини, тилини ҳам ҳурмат қилади. Шунинг учун ҳар бир республикада ўз миллий тили бўлиши керак. Бу миллатларнинг бир-бирига ҳурматини, қадрини оширади. Уларнинг тили, маданияти, фанининг ривожланишига хизмат қилади. Шу билан бирга рус тили кўп-миллатли Советлар юртида миллатлараро дўстлик тили бўлиб қолаверад.

Ҳар бир Совет граждани ўз она тили билан бирга рус тилини билиши ҳам қарз, ҳам фарздор.

Саодат ПУЛАТОВА,
ўқитувчи.

СССР—БУЮК БРИТАНИЯ МУЛОҚОТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Давом. Бош 1-бетда).

М. С. Горбачевни қароргоҳга кираверилганда М. Тэтчер кутиб олди. Улар каминли залга кирдилар, эсдалик учун суратга тушдилар ва расмий музокара оlib бориш учун Бош министр кабинетига кириб кетдилар. Сўнгра Совет-Англия ҳужжатларини имзолаш маросими бўлди. Бу ҳужжатларни икки мамлакат ташқи ишлар министрлари Э. А. Шеварднадзе ва Ж. Хау имзолардилар.

Совет раҳбарининг Лондон бўйлаб сафари программасига Англия пойтахти қадимий маданиятининг бетакор воҳиси — Вестминстер аббатлигини кўздан кечириш киритилган. М. С. Горбачев бу маданият манбаларига ҳурмат белгиси сифатида кунининг ўртасида ана шу ерга борди. У номалум солдат қабри олдига тўхтаб, инглизлар — биринчи жаҳон уруши майдонида ҳалок бўлган кишилар, совет жангчилари билан биргаликда иккинчи жаҳон урушининг қуруқликдаги ва денгиздаги жангларда Европани фашизмдан озод қилган кишилар хотирасига таъзим қилди. М. С. Гор-

бачев қабрга гулчамбар қўйди ва фахрий меҳмонлар китобига имзо чекиди.

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раисини «Кейс коммюникейшн» фирмасининг инженерлари ва ишчилари шу фирмада кутиб олдилар. Англиянинг бу катта корхонаси Совет Иттифоқида алоқа, денгизчилик, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ахборотни таъминлашнинг замонавий аппаратларини etkazиб берувчи корхона сифатида танилган. Корхона ишчилари М. С. Горбачев билан суҳбатда икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар мустақамланаятганлигидан мамнун эканликларини айтдилар.

Буюк Британия савдо-санот донорлари акаллариининг кўпчилиги Лондон учрашуви табрикланмоқда. Уларнинг кўплари совет раҳбари билан Ланкастер-Хаусда кечкурун бўлиб ўтган учрашувга қизиқиш билдиридилар. Буюк Британия саноатчилари билан совет корхоналари ўртасида алоқаларни

кенгайтириш имкониятлари тўғрисида эркин суҳбат бўлиб ўтди.

Совет раҳбари визитининг биринчи иш кунини охирида Буюк Британия Бош вазири М. Тэтчер ўз қароргоҳида М. С. Горбачев ва унинг рафиқаси шарафига расмий зиёфат берди. Бу ерда М. Тэтчер ва М. С. Горбачев нутқ сўзладилар.

Визитнинг дastлабки иш кунини икки соатдан кўпроқ давом этди. Англия телекомпаниялари шу кунги кўп алоқалар тўғрисида баъзиса репортаж олиб бордилар, протокол тадбирларини ҳам, Лондон аҳолиси билан эркин учрашувларини ҳам, кўзгини шарҳладилар. Уларнинг баҳоларида Лондон учрашуви ҳозирнинг ўзидаёқ реал, сезиларли натижалар берди, деган фикр устун бўлмоқда. СССР—Буюк Британия мулоқоти давом этмоқда.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
Ю. ЛЕВЧЕНКО,
В. ЧУКСЕЕВ,
Г. ШИШКИН.

ЯНГИЧА СИЁСИЙ ТАФАККУР АМАЛ ҚИЛМОҚДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевнинг Куба Республикасига расмий дўстона визити якунилари, Совет ва Куба раҳбарларининг Куба Миллий Ассамблеясида сўзлаган нутқлари чет эллардаги атоқли давлат ва жамоат арбобларни, оммавий ахборот воситалари шарҳларининг асосий мавзуси бўлиб қолмоқда.

● ГАВАНА. Фидель Кастро М. С. Горбачевнинг Кубага қилган визитини «жуда ажойиб ва ниҳоятда фойдали» бўлди, деб атади. Совет раҳбарининг Кубада бўлиши ва бизнинг у билан алоқаларимиз, деб таъкидлади у, икки мамлакат ўртасида гўёки мавжуд бўлган келишмовчиликлар тўғрисидаги гапларни бутунлай йўққа чиқарди ва орамида қарийб 30 йил мобайнида давом этиб келаётган жуда зўр муносабатларимизни мустақамлашга кўмаклашди.

Пренса Латина ахборот агентлиги ўз шарҳида ривожланиш муаммолари юзасидан жаҳон учрашувини ўтказишга даъват қилинганлиги янгича фикрлашнинг эркин ифодаси бўлди, деб таъкидлайди.

● БОГОТА. Совет раҳбарининг Лотин Америкасида тинчлик зонасини вужудга келтириш, қитъада ҳорижий ҳарбий кучларнинг бўлишини тугатиш тўғрисидаги таклифлари жуда катта аҳамиятга эга, деб таъкидлади Колумбия Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Хильберто. Виейра. Чунки Буюк Британиянинг Маливи оролларидаги боқинчилиги ҳануз давом этмоқда, Панама канали зонасида ва Куба территориясида Америка ҳарбий базалари сақланиб қолмоқда. М. С. Горбачев намоиш этган янгича сиёсий тафаккур фарбий ярим шарда регионал можадоларни тинч бартараф этишга жуда катта ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Бу можадоларни сиёсий йўл билан ҳал этишдан бошқа йўл йўқ.

● МЕХИКО. Лотин Америкасини ядросиз зона сифатида мустақамлаш ва унинг статусини кенгайтириш ҳақида М. С.

Горбачев Гавана шаҳрида олға сурган таклифларга, унинг бу қитъа Шарқ билан Ғарб ўртасида муҳолифлик майдони бўлиб қолмаслиги керак, деб айтган гапларига шубҳасиз тинчликка даъват сифатида, Совет Иттифоқининг революция ва контрреволюцияни экспорт қилишга нисбатан қатъий оппозицияси сифатида қараш керак, деб уқтиради Мексиканинг «Эксельсиор» газетаси.

● КИТО. Марказий Америкадаги можадоларни бартараф этиш юзасидан Совет таклифларининг муҳимлиги шундаки, бу таклифларда регионимиздаги барча мамлакатларнинг муаммолари тилга олинган, деб таъкидлади Сальвадор революцион-демократик фронтининг раиси Гильермо Мануэль Унго. Шу боисдан Американинг Никарагуага нисбатан қилаётган боқинчилигини тўхтатишгагина эришиш учун ҳаракат қилиб қолмай, айни вақтда Вашингтондан Сальвадор ва региондаги бошқа давлатларнинг ички ишларига ерлашмишдан воз кечишини ҳам талаб қилиш керак.

● ВАШИНГТОН. Оқ уйнинг матбуот секретари М. Фицуотер совет раҳбарининг Кубага визити якунилари муносабати билан сўзга чиқиб, «президент М. С. Горбачев Гаванада айтган гапларни Вашингтонда диққат билан тинглашди, деди. Айни вақтда Американинг расмий вакили совет раҳбарининг Куба Миллий Ассамблеяси мажлисида сўзлаган нутқидаги айрим қондаларни, Гаванада имзоланган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет—Куба шартномаси моҳиятини бузиб кўрсатишга уринди. М. Фицуотернинг айтганлари,

кузатувчиларнинг уқтиришлари, Америка Қўшма Штатларининг Лотин Америкасига нисбатан сиёсатида улар куч ишлатиш принципларини сақлаб қолишга интиляётганликлари, регион мамлакатларига «ўз маҳрига» тушгандек қараётганликларида далолат беради.

● ПАРИЖ. М. С. Горбачев янгича сиёсий тафаккурга мувофиқ СССРнинг Лотин Америкасига нисбатан «ҳарбий манфаатдорлигини» истисно этди, лекин у билан иқтисодий, технологик, маданий ва бошқа алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдорлигини тасдиқлади, деб ёзади Франциянинг «Монд» газетаси. Совет Иттифоқининг Лотин Америкасигада янги фаол сиёсати, деб уқтиради газета, у ерда қулай муҳит вужудга келаётган шароитда ривожлантиришмоқда. Иқтисодий муаммолар кескинлашши натижасида Лотин Америкаси мамлакатлари АҚШ асосийлигидан ҳалос бўлишга тобора кўпроқ интилямоқдалар.

● СОФИЯ. Совет—Куба муносабатлари бартараф тусга эга, деб ёзади Болгариянинг «Труд» газетаси. Бу муносабатлар тенг ҳуқуқлилик принципи асосида қурилмоқда. Бу муносабатлар ўзаро ҳурмат, ҳар бир томоннинг масъулиятини тушуниши билан ажралиб туради.

● ПРАГА. М. С. Горбачевнинг Кубада бўлиши жаҳон матбуотининг диққат-эътиборини ўзига тортиди, деб ёзади Чехословакияда чиқадаган «Руде право» газетасининг мухбири Гаванадан. Бу визит самимийлик азиятида ўтди ва СССР билан Кубанинг ҳам икки, ҳам халқаро муаммоларни бартараф этишга ёндашувлари бир хил эканлигини кўрсатди. Визит натижалари Совет Иттифоқининг Куба республикаси билан бирдамлигини тўла тасдиқлайди, деб уқтиради газета.

[ТАСС, 6 апрель].

ДАВРА СУХБАТИ

АНГРЕН ШАҲРИ СТУДЕНТ-ЕШЛАРИ
БИЛАН УЧРАШУВ

Партия ички турмушдан хабардор бўлмаган киши партия комитетлари фаолиятини қайта қуришни аппарати қисқартиришдан, вази-фасини ўзгартаришдан иборат деб ўйлаш мумкин. Аслида эса ундай эмас. Масалан, идора иш услубини олиб қўрайлик. Бунга кенг жамоатчилик билан тез-тез учрашиб энг ўткир муаммолар ҳусусида фикр алмашиб туриш орқалигина барҳам бериш мумкин. Ана шундай мулоқотнинг самарасини ақинда Ангрэн шаҳридаги «Горняк» маданият саройида бўлиб ўтган учрашув аққол кўрсатди.

Бу ерда асосан Ангрэндаги область педагогика институтининг студентлари, профессор ва ўқитувчилари, область, шаҳар партия ташкилотлари, совет органларининг раҳбарлари учрашдилар.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов суҳбат мавзусига тўхталар экан, бу ерга область партия ташкилоти амалга оши-раётган ишлар, обкомнинг қайта қуришга раҳбарлиги, унинг етилган муаммоларини қандай ҳал этаётганлиги ҳақида ҳисоб беришга келинганини айтди. Албатта, бунда турмушимизнинг барча жабҳалари юзасидан жонли мулоқот, савол-жавоблар бўлиши кўзда тутилган.

Амалда ҳам худди шундай бўлди. Учрашувда гап нима тўғрисида бормасин — хоҳ сиёсий ислохот ёки озиқ-овқат таъминоти, хоҳ миллатлараро муносабатлар ёки ёш авлод тарбияси (бу ерда кўтирилган масалалар жуда кўп эди) бўлмасин — тўла ошқоралик, даҳлдорлик муҳити ҳукм сурди.

Бу мулоқотда барча қатнашчиларнинг амалда сезиларли ўзгаришларга эришишга иштиёқи сезилиб турарди. Бунда, айниқса, қайта қуриш жараёнини амалий натижалар — айтилик магазин пештахталарида озиқ-овқат ва саноат моллари етарли бўлиши билан мустақамлаш зарурлиги таъкидланди.

Мисол тариқасида Ангрэнни олиш мумкин. Шаҳар катта саноат потенциалига эга. Нима учун ундан кишилар кундалик эhtiёжини қондириш учун фойдаланиш мумкин эмас? Бунга зарур шароит бор, партиявий мадда берилляпти. Мана, «Узбекрезинотехника» бирлашмаси кўплаб расмийчилик, чеклашларга қарамасдан бир кўринишда оддий, бироқ жуда муҳим маҳсулот — камб бўлиб қолган қалиш ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга киришди. Ҳозир бу ерга зарур машина-ускуна-

лар келтирилмоқда, тез орада бирлашмада йилга 5 миллион жуфт қалиш ишлаб чиқариладиган бўлади. Бошқа турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам кўп жиҳатдан меҳнат коллективлари ва маҳаллий Советларнинг ташаббускорлиги, мустақиллигига боғлиқдир. Ўзгаришлар, регионал ҳужалик ҳисоби ана шундан бошла-нади.

Ёки озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотини олайлик. Ангрэн шаҳрига ўз қишлоқ ҳўжалик зонасини барпо қилиш учун 80 минг гектар ер ажратиб берилмоқда. Қончилар бу майдонлардан самарали фойдалансалар, қишлоқ меҳнаткашларига ҳўжалик юртиш даражасини оширишда кўмаклашсалар дастурхонлари тўқин бўлиши шубҳасиздир. Учрашувда болалар боғчалари ва мактаблар учун гўшт ва сут этиштиришга ихтисослашган қолхоз кооперативларини ташкил этиш таклифи ўртага ташланди. Ишлаб чиқаришнинг ташкил этишининг бошқа усулларини ҳам қўллаб кўриш мумкин. Мўҳим — қўл қўзиб, илтимос қилиб юрмасдан, иттифоқ фондларига кўз тикмасдан (гарчи улар кўпайиб борса ҳам) амалий ишга киришиш — ишбилармонлик, мустақиллик, ташаббускорлик кўрсатишдир.

Қўп нарсга қонун-қондаларга боғлиқлиги шубҳасиздир. Лекин жуда кўп нарсаларни жоийларнинг ўзида ҳал қилиш мумкин. Учрашувда студент-ешларнинг турмуш шароитларини ҳақида гапирилганда бу яна уқтирилди. Албатта, институт учун янги корпус, янги ётоқхоналар керак. Эскиларни ремонтдан чиқарилиши лозим. Учрашув пайтида бу масалаларни кечиктирмай жиндий равишда ҳал қилишга қатъий сўз берилди. Аммо, студентлар, ўқитувчилардан ҳам кўп нарсга талаб қилинади. Улар юкордан кўрсатма кутмасдан енг шимариб ишга киришишлари даркор.

Мулоқот пайтида бирданга ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар ҳам тилга олинди. Улар синчиклаб ўрганиши, ҳолис баҳо бериши, обдон ўйлаб ҳал қилиши талозо этади. Бунда, айтилик давлат тили масаласида шомша-шошарлик, ҳокимият органларига турли хил таъйик ўтказиш фойда келтирмайди. Ҳозир талаб қўйишдан кўпроқ амалий иш қилиш муҳимдир. Митинг-бозлик, гапонлик қилиш вақти тугаяпти, амалий ишлар даври бошланмоқда. Об-ласть партия комитети биринчи секретарининг бу фикрига қўшилмай бўлмайди.

КИЧКИНТОЙЛАРГА ЁЗГИ ЛИБОС

«Гунча» тикувчилик фабрикасининг Паркентдаги филиалида мактабгача ёшдаги болалар учун ёзги қўйлак-шимчалар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Корхонанинг Мухтабар Икромова етакчилиги қилаётган бригадасида ишлаб чиқарилаётган ушбу либос — аввалги-

ларидан дид билан тикилиши, бекирилмиги ҳамда арзонлиги билан ажралиб туради. Ҳозирга қадар бригада коллективи 5 мингдан зиёд ана шундай либосларни савдо шохобчаларига жўнатишди.



КЎНГИЛДАГИ ИШ БЎЛДИ

Яқинда район пионерлар уйига Афғонистонда интернационал бурчини бажарган ёшларнинг кўрсаткичи билан ўтказилган тантанали йиғилишда Чиноз шаҳар Совети ижроия комитети раиси С. Эргашев, район комсомол комитети вакиллари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этдилар.

Чинозликлар Афғонистондаги аёвсиз жангларда мардларча ҳалок бўлган йигитларни унутмайдилар. Қўчалар, пионер отрядларига ана шу жасур йигитларнинг номлари қўйилган.

Биз шу йилнинг январь ойида пионерлар уйида «Жанговар шон-шухрат музейи» ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эдик. Район газетасида интернационалчи жангчиларнинг ота-

оналарига, пионер ва ўқувчиларга муносабатимиз берилди. Датъатимизга ҳамма қўшилди. Интернационалчи жангчиларга тегишли буюмлар, ҳужжатлар, «Ташаккурнома»лар тезда тўпланиб, пионерлар уйига тақдим этилди. Жойимиз тор бўлса-да, музей ташкил этдик. Унинг экспонатлари орасида интернационалчи-жангчиларнинг фотосуратлари, шахсий буюмлари ҳам бор. Илҳом Шариповнинг ота-онаси ўз ўғилларининг бир даста мактубларини, унга тегишли ҳужжатларни музейимизга совға қилишди.

Музейда Бахтиёр Рафуровнинг ҳам мактублари сақланмоқда. У ўз хатларининг бирида шундай ёзади: «Азиз онажон! Мендан ҳавотир олмаңлар. Яқинда бир дўстим орқали сизларга совға-салом бериб юборган

эдим. Рўмолни Маҳмуда олам ўрасинлар. Костюм-шим эса ўзимга. Афғонистондан қайтган, ўқишга кирсам киярман». Афсуски, Бахтиёр ўз ниятига етолмади. Ҳозир Чинознинг энг обод кўчаларидан бири Бахтиёр Рафуров номи билан аталапти.

Музейимиздаги рўйхатга Афғонистонда интернационал бурчини бажарган 250 нафар чинозлик йигитнинг исм-фамилияси ёзиб қўйилган. Бу ер ҳар кунги ўқувчилар билан тавжув. Улар музей экспонатлари, акаларининг жасоратлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар билан танишмоқдалар.

Келгусида музейимиз янада кенгайди. У муҳим тарбия ўчоғига айланиб қолади.

А. ОРИПОВ,
Чиноз район пионерлар уйи директори.

Редакцияга хат

ҲАММА МАКТАБДА ШУНДАЙМИКИН?

Марказий телевидение кўрсатувларини, айниқса, «...16 ёшгача ва ундан катталар» кўрсатувини томоша қилиб, наҳотки шундай актив комсомол-ёшлар ва мактаб комсомол ташкилотлари бўлса, деб ўйлаймиз.

Бизнинг аксарият кўпчилик мактабларимизда бунинг аксини кўриш мумкин. Комсомол мажлислари деярли ўтказилмайди. Ёшларимизни атрофда бўлаётган ўзгаришлар қизиқтирмайди. Бирор бир муҳим масалани йиғилиб муҳокама қилмаймиз. Мактаб муаммоларини ҳал этишни-ку айтмаса ҳам бўлади. Комсомол мажлислари онда-сонда ўтказилса ҳам унга ўқувчилар бўйнига арқон солгандек тўпланади.

— Нимага мактабимизда комсомол ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган, — деб сўраймиз комсомол комитетининг секретари Шухрат Акромовдан.

— Биласизми, ҳозир жуда кўп ёшлар лекайд бўлиб кетган. — дейди у. — Мактабимизда дарслар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Рус синфи ўқувчилари анча ташаббускор, планда белгиланган барча тадбирларни ўз вақтида ўтказишади. Ўзбек синфи ўқувчилари эса бундай эмас.

Бундай ўйлаб қарасак, мактабимизда янги йил кўрналидан бошқа бирон бир тадбир ёки кеча ўтказилмабди. Ёшларнинг дам олишларини ташкил қилиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳам ҳеч кимни қизиқтирмайди. Қачонгача сен менга тегма, мен сенга тегмай қабилда иш тутамиз? Фақат бизнинг мактабда шундаймикин? Шу ҳақда тенгдошларим фикрини билмоқчиديم.

Нигора ДЕҲҚОНОВА,
Ҳамза районидagi 121-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.



● СССР халқ депутати, Бўстонлик районидagi 22-мактаб ўқитувчиси Турсуной Қозоқова ўз фаолиятини бошлаб юборди. У бугунги кунда мактаб ишхотинини амалга ошириш, болани аёлларга, иш-лаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалигига банд бўлган хотин-қизларга қўлайликлар яратиш режаларини билан яшамоқда. Суратларда: (юқориди) Т. Қозоқова ишчилар ҳўзурда; депутат оилалардан бирда суҳбатда. В. Дубровский фотолари.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ
КОМСОМОЛ КОМИТЕТИ
НИНГ VII ПЛЕНУМИ
ОЛДИДАН

Область комсомол комитетининг ишчи гуруҳида область комсомол комитетининг «Озиқ-овқат программасини ҳал этиш, қишлоқ ёшлари турмуш маданиятини оши-

ришда комсомол комитетлари иштироки тўғрисида»ги масалани муҳокама қилади. VII пленумига тайёргарлик кўришга барча газетхонларни тақлиф этади.

Қишлоқ ёшлари муаммолари билан боғлиқ масалаларни юзасидан қўйидаги адресга муносабат қилишимиз мумкин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 9-уй, 32-хона. Телефон: 32-10-53.

• Гиёҳвандликка қарши курашайлик

ИБРАТ БЎЛИШ ЎРНИГА

Бир йилда 133 та жиноят... Улар 1987 йилдаги 27 тага камайган бўлса-да, ҳамон ташвишлидир. Айниқса, ёшлар ўртасида ноҳўя хатти-ҳаракатлар кўпроқ сезилмоқда. Жойларда ҳуқуқий тарбияни кучайтириш, қонуний муҳофаза қилиш бўйича Паркент район прокуратураси қандай тадбирларни кўрапти? Район прокурори Ж. МИРАЛИМОВ билан суҳбатимиз шу саволдан бошланди.

— Афсуски, яқин пайтгача прокурор номи қораловчи, жазоловчи сифатида тушуниларди. — деди суҳбатдошимиз. — Ҳолбуки, прокуратура ходимларининг биричи галдаги вазифаси қонуний муҳофаза қилиш, беғунох одамларни ноҳақ жиноий жавобгарликка тортишининг олдини олишдир.

Прокуратура ходимларимиз ўтган йили шу йўналишда маълум ишларни амалга оширдилар. Район аҳолиси билан учрашувларимиз мунтазам ўтказилаётган бўлди. Қишлоқларда, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнаткашлар қабулини йўлга қўйдик. Район аҳолиси ўртасида ялпи ҳуқуқий ўқувни йўлга қўймоқдамиз. Ҳар бир қишлоқ Советида қонунчиликка бағишлаб машғулотлар ўтказилаяпти. Улар мактабларда ҳам бўлаяпти.

Шунингдек, маъмурий органлар фаолияти билан меҳнаткашларни мунтазам таъиништириб туришга катта аҳборот бераймиз. Қишлоқ клубларида вақти-вақти билан учрашувлар ташкил этиб, ўтган даврда қандай жиноятлар содир бўлгани, жиноятчиликнинг олдини олиш учун кўрилатган чоралар ҳақида ахборот бераймиз. Маъмурий органлар фаолияти ҳақида аҳолини хабардор қилиб туриш учун маҳаллий матбуот имкониятларидан ҳам кенг фойдаланаямиз.

— Тушунтириш, тарғибот ишлари қандай натижалар бермоқда?

— Ҳуқуқ-тарғиботи бўйича ўтказилаётган учрашувлар, суҳбатлар бугунгача амалий натижалар бера бошладилар. дейишга ҳали эрта. Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик ҳамон бизни ташвишлантирапти. Ўтган йили содир бўлган жиноятларнинг 17 тасини мактаб ўқувчилари қилишди. Жиноий жавобгарликка тортилганларнинг 7 нафари комсомол аъзоси эканлиги ҳам аянчли ҳолдир.

Яқинда Паркент район халқ суди 1971 йилда туғилган Мурод Аноркулов ва 1973 йилда туғилган Руслан Каримовларнинг жиноий ишларини кўриб чиқди. Ҳар икки ўспирин янгибозорлик. Улар шаҳарликларнинг Паркент район территориясидаги дала ҳовли уйларида ўғриликка тушганлар. Ҳали ёш бўлишларига қарамай, икковлари ҳам аввал судланишган. Улар эндигина озодликка чиққан эди. Таъбасига таянмаган йигитчалар Паркент — Янгибозор йўлидаги Г. Мардиевнинг уйдан 113 сўмлик турли буюмларни олиб чиқиб кетишди. Сўнг Янгибозорга келиб эски танишлари В. Ким, Н. Йўлдошевларни учратиб қолишади. Шундан



сўнг уларнинг тўртталаси дала ҳовлиларда кечаси ҳеч ким бўлмаглигини билиб янги ўғрилик режасини туздилар. Бу сафар улар А. Пугановскийнинг уйдан 550 сўмлик буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотларини умардилар.

Жиноятчилар ўз жазоларини олдилар. Лекин бизни бошқа бир нарса ташвишлантирапти. Негадир ёшлар тақдирига катталар лоқайд қарайдилар.

— Бунга гиёҳвандлик ҳам қўшса бўлади...

— Ҳа, бу жиддий социал яллат. Ўтган йилнинг ўзида кўнори экиш, гиёҳвандлик билан шугулланиш бўйича 8 та жиноий иш қўзғатилди. Афсусланирлиси шундаки, бу жиноятларни аксарият ҳолларда ёшлар эмас, уларга ўрнатилган керак бўлган катталар, ҳаттоки кекалар содир этаяптилар. Масалан, биз 80 ёшли онахон Рохат Зиёеванинг жиноий ишини кўриб чиқдик. У ўз томоғасидаги саримсоқ лиёз орасига кўнори уруги сепабди. Тергов пайтида онахон уни мен дорилик учун экканман, деб туриб олди. Лекин бу бойлик орттириш йўлида қилинган уриниш эканлигини гувоҳлар исботлаб бердилар. Р. Зиёеванинг ёши, айбига иқдор бўлганлиги ҳисобга олиниб, бу ишни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш Намданак қишлоқ Советига юборилди.

Кумушқон қишлоғида яшовчи Абдураззоқ Имомкулов ҳам томоғасидаги нок кўчатлари орасига «дорилик» учун кўнори уругини сепаганлиги учун жазоланди. Биз доим ёшларга ибрат қилиб кўрсатадиган, неварачеварали бўлиб кетган онахон ва онахонларимизнинг бундай қилишларини қандай баҳолашимиз мумкин?

Гиёҳвандлик ёш организмни захарлаши билан бирга кўп ҳолларда йигит-қизларни жиноятга ундайди. Шу сабабли бу иллатга қарши курашни ўзимизнинг энг асосий вазифаларимиздан бири деб биламиз.

А. НОСИРОВА.



БАЛИҚ ОВИ ИШҚИВОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА

ҚОНДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНГ

Дарё, кўл, оддий ҳовуз ва ариқлар ёнида ташлаб қўйилган қармоғингизга балиқ илминишини бетоқат бўлиб кутиб ўтириш кишига қанчадан қанча ҳузур бахш этади. Шунинг учун ҳам овнинг бу тури ҳаваскорлари кўпайиб бормоқда. Бу яхши. Лекин, улар албатта, амалдаги қонун-қондаларни билишлари керак. Шу ҳақда Ўзбекистон ҳавза балиқ запасларини муҳофазаси қилиш ва қайта етиштириш ҳамда балиқчиликни тартибга солиш бошқармаси бошлиғи Тоир Шукрорович АЛИМОВ бу йил балиқ ови мавсуми қандай ўтиши ва увулдирик ташлаш вақтида уларни муҳофазаси қилиш қандай амалга оширилиши тўғрисида гапириб берди.

— Балиқ овлаш ҳаммага бепул рухсат этилади. Барча суз ҳавзаларида, бундан кўриқхоналардаги суз ҳавзалари ва участкалари, балиқ етиштириш учун фойдаланиладиган ҳавзалар ва бошқа шу каби маданий балиқчилик хўжаликлари мустасно, балиқ овлаш мумкин. Албатта, бунда қонун-қондаларга қатъий амал қилиш талаб этилади.

Бироқ балиқ овлаш тартибини бузиш ҳоллари тез-тез учрамоқда, бунинг айбдорлари аниқланиб, айрим ҳолларда уларга жазима солинапти. Лекин ҳамма вақт ҳам браконьерларни ушлаш мумкин бўлмайпти. Улар ҳатто шахсий бойлик орттириш мақсадида табиат бойлигига катта зарар етказмоқдалар.

Белгиланган тартибга мувофиқ ҳар бир балиқ овловчи бир гал чиққанда умумий фойдаланишдаги ҳавзаларда 5 килограммгача, турли жамиятларга қарашли ҳавзаларда эса 7 килограммгача балиқ тутишлари мумкин. Қондаларни билмаслик эса уларни жавобгарликка тортишдан ҳоли этмайди.

Шуниси ачинарлики, кўпчилик балиқ ови ҳаваскорлари балиқ запасларини тиклашдек муҳим ишга деярли ҳисса қўшмаптилар. Уюшган балиқ овловчилар бу иш билан муайян даражада шўғулланиша-

ди. Улар суз ҳавзаларида балиқ етиштиришга, бунинг учун маблаг ва меҳнат сарфлашга ҳисса қўшмоқдалар. Шундай экан, барча балиқ ови ишқибозлари муайян жамиятларга аъзо бўлишлари лозим. «Ўзбекистонхотирболовсоюз» балиқ ови ишқибозларига жамиятларга аъзо бўлиш учун имтиёзли шартларни жорий қилди. Улар кириш ва аъзолик бадалларини овчиларга нисбатан кичик беравара кам тўлайдилар.

Биз ҳаваскор балиқ овловчиларга увулдирик ташлаш даврида ҳавзаларга чиқишни ман қилмаймиз. Бироқ балиқ тутиладиган ҳавзалар сонини камайтираемиз. Фақатгина махсус ажратилган суз ҳавзалари ёки участкаларда овлаш мумкин. Бундан мақсад увулдирик ташлайдиган балиқларини муҳофазаси қилишдир.

«Ўзбекистонхотирболовсоюз» овчилар ва балиқ овловчилар жамиятлари аъзоларининг илтимосларини ҳисобга олиб, улар учун увулдирик ташлаш даврида ҳам балиқ тутиладиган махсус суз ҳавзалари ва участкаларни ажратди. Маълум қондаларга мувофиқ шу йилнинг 1 мартидан то 31 майгача Сирдарёда балиқ овлаш ман қилинади. Бошқа суз ҳавзаларида эса бу давр 16 апрелдан бошланиб, 31 майгача давом этади.

Овчилар ва балиқ овловчилар жамиятлари шу кунларда ўз фойдаланишлари аниқ жонлантиришлари, ҳамма жойда балиқ ови тартибига амал қилиниши устидан назоратни қўйиштиришлари, уни бузувчиларга нисбатан қаттиқ қоралар кўришлари лозим. Энг муҳими балиқ запасларини қайта тиклаш, уларни муҳофазаси қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишлари керак. Балиқ овлаш рухсат этилган барча суз ҳавзалари ва уларнинг участкаларида ов бу тури ҳаваскорларининг ташвири буюришини, улар томонидан тутилган балиқларнинг сони, вази ва турларини қатъий ҳисобга олишлари даркор.

М. МАХМУТОВ.

ЎЗИНГИЗДА ЖОРИЙ ҚИЛИНГ

ИС ЧИҚИШИ КАМАЯДИ

Бу ажойиб мосламани Ўзбекистон автомобиль ремонт ишлаб чиқариш бирлашмасининг биринчи заводи мутахассислари яратдилар. Уни тайёрлаш ишлари ҳам шу ерда йўлга қўйилди. Автомашиналардан чиқадиган ис миқдорини камайтиришга ёрдам берувчи бу янгилани барча автотранспорт корхоналарида кенг қўлланилса айтиш мумкин бўларди.

Ҳозирги замон техника ва эстетикаси талабларига тўла жавоб берувчи бу мослама МАЗ маркали юк машиналари ва «Икарус» автобусларида синаб кўрилди. Қурилиш газ таркибидаги иснинг чиқишини уч беравара камайтириш имконини беради. Шундай мослама ўрнатилмаганда, машиналардан чиқувчи газда ис миқдори 25 процентни ташкил этади. Уни камайтириш, албатта, атроф-муҳит тозаллигига ижобий таъсир кўрсатади.

● Улкамизга келган баҳор Вўстонлик ҳусни-жамолни янада кўриамлаштириб юборди. Шу кунларда бу ерда ҳордиқ чиқарган ҳар бир киши табиат гўзаллигидан тўйиб-тўйиб баҳра олади. Суратда: Хўжакемтда баҳор. Д. Аҳмедов фотолари.



КИЧИК КОМИТЕТНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Орол денгизини асраш ва экологик муҳитни нормал ҳолатга келтириш бўйича республикада олиб борилаётган ҳаракат Шовғоз қишлоғидаги меҳнатчиларнинг ҳам бу ҳаракатга қўшилишига сабаб бўлди. Маҳаллий мактабнинг ўқитувчиси В. Қурбоннинг ташаббуси билан шу хайрли ишга қўмаклашувчи комитет тuzилди.

— Комитетимизнинг иш бошлаганига анча вақт бўлди, — дейди комитет раиси Ваҳобжон Қурбон. — Ҳозир эллиқдан ортиқ аъзоси бор. Биз республика комитети билан доимий алоқа ўрнатганмиз.

Кичик комитетнинг аъзолари ҳозирданоқ атроф-муҳитни нормаллаштириш, сув исрофгарчилигига қарши курашни бўйича муайян ишлар қилдилар. Улар фақат ўтган йилнинг ўзида Қурама тизма тоғларининг Шовғоз қишлоғига туташиб жойларига чиқиб, 120 дан ортиқ эски булоқларнинг кўзларини очдилар, булоқлардан чиқаётган сувнинг Шовғозсойга оқиб ва шу орқали Оҳангарон дарёсига олиб-қаётганини кўпайтиришга ҳам эришдилар. Яна тоғларга чиқиб чорва молларининг оёқлари остида кўмилиб кетган 35 га яқин тоғ булоқларини очилиши мўлжалламоқдалар. Буларнинг ҳаммаси Шовғоз сойида бутун ёз бўйи суз оқилиши таъмин этилади.

Кичик комитет аъзолари тоғ ёнбағирларига 70 тудан зиёд ёнғоқ, тоғ олча-

лари, ўрик, олма, шафтоли ниҳолларини ҳам экидилар.

— Биз бу ишлар билан чекланиб қолмаймиз, — дейди комитет ташкилотчиларидан бири Бурхон Ортиқов. — Бизнинг тоғларимизга ёз пайтлари жуда кўп чорва моллари ёйилиб дов-дарактларни пайхон қилади. Ноб ҳолатларнинг инларини бузди. Баъзан овчилар ҳам аралашиб қолади. Биз ўтган йилдан шундай ҳолатларнинг такрорланмаслигини ҳам назорат қила бошладик. Натижа эса анча самарали бўлди. Қизил ва таргил доғларининг навлари анча кўпайди. Шифобахш ҳисобланган кийик ўти, бўз боши қўнатлари ҳам катта-катта яйловларда кўнарадиган бўлди. Ўтган йил оқ лайлақлар билан бирга икки жуфт қора лайлақлар ҳам учиб келиб, шу ерда ин қўйди, бола очди. Комитет аъзоларидан Бекмурод Вайназаров, Гофир Ҳусанов, Тошназар Зубаров ва бошқа муаллимлар ўз вазифаларини масъулият билан адо этмоқдалар.

— Комитетимизга Оҳангарон ва Олмалик, Ангрен ва Янгиободдаги мактабларнинг ўқитувчилари, юқори синф ўқувчилари, ҳуллас барча табиат ошқилари аъзо бўлишни истар экан, — дейди Бурхон Ортиқов. — Ҳозир комитетнинг махсус ҳисобиди 250 ордун ортиқ маблаг бор. Бу маблаг Оролни асраш республика комитетининг ҳисобига ўтказилди.

М. ҚАЮМОВ.

Куюнчак газетхонлар минбари

ХАМ ШИРИН, ХАМ ШИФОБАХШ

ТУТ ДАРАХТИ илгери ҳар бир ҳовлида бўлмасида ҳар иккидан бирини бўларди. Ўзбек халқи дёнрида энг кўп экиладиган ва меваси кенг тановул қилинадиган дарахтлардан ҳисобланарди. Унинг ҳосилати ҳақида гурур билан гапириларди. Эрта баҳорда оғзимиза тегиб, баҳримиз очилар, киши билан кўриган танкамизга куч-ғайрат бағишларди.

Шундай ажойиб мевали дарахт ҳақида ўйлаганимизда Улуғ Ватан уруши йилларидаги аянлик, ярни оқ ҳаётимиз эсимизга тушади. Ҳовлимизда балх тути бўларди. У онламинг учун озик-овқат манбаи эди.

Илик узилди пайтда етиларди у. Мевалари ер билан битта бўлиб тўкилиб ётарди. Биз ўзимиз, қўшинларимиз болалари шу ширин-шакер меваларни териб олардикида ювиб тўйиб-тўйиб ердик. Ширеси тилини ёргудек бўларди. Ундан майиз, шинни қилинардик. Қиш билан тут шининиси нонушта дастурхонимиздан аримасди. Агар бирортамиз шамоллаб бетоб бўлиб қолсак олим шинининг бир пиласини ичириб юборардилар. Касалдан тез фориғ бўлардик.

Шундай шифобахш қимматли меза дарахтига кейинги йиғирма—ўттиз йил ичиде қирон келтирилди, десак муболага қилмаймиз. У фақат пилла курти боқиш учун қурбон қилинмоқда. Қишлоқлар у ёқда турсин, ҳатто шаҳар ҳовлиларидаги тут дарахтлари шохлари ўзбошимчалик билан қирчиб, олиб кетиладиган бўлиб қолди. Меваси фарқ пилган ёки пишини афасида каллакланган дарахт фақат ачиниш уйғотади. Шифобахш мевасидан маҳрум бўлаёмиш. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда, айниқса балх тути қўчатлари деярли экилмайдиган бўлди. Эндилкида уни шаҳар ҳовлиларида онда-сонда учратасиз.

Бундай қимматли дарахтни ўстириш, меваси учун тутзорлар ташкил этишга эътиборини тубдан ўзгартариш керак. Бу масаладаги лоқайдликни таг-томири билан йўқотиш лозим.

Т. САФАРОВ,
ҳаваскор болбон.

ХАР ТУҒРИДА

ФИЛЛАР ЕРДАМ БЕРДИ

Мамлакат шарҳида машғулот ўтказётган Ҳиндистон армиясининг урта оғир танкии чангалзорлардан ўта туриб ботқоқда ботиб қолди. Ердям берши учун юборилган шатакча олувчи танк ҳам шундай аҳволга тушиб қолди. Шундан сўнг яқинроқдаги плантациядан филларни таклиф қилишга мажбур бўлишди.

Турта кудратли жониворлар ҳар бир танкии аркон ердаида тортиб чиқариш учун беш минутдан вақт кифоя қилди. Шатак танкии эса киши минутда тортиб олди. Филлар бўлмаганда танклар ҳолига маймунлар йиғлаши ҳеч гап эмас эди.

СОДДА БАҚИРОҚ

Японияда энг қаттиқ бақиринг бўйича конкурслар ўтказиб туриш анъанаси айланб қолган. Навбатдаги бундай ўзига хос мусобақада Рюнто Шахасора голиб чиқди, бироқ у фахрий мукофотлар ва голиб учун берилмаган пулни олишдан воз кечди.

Электрон асбоблар унинг бақиринг кучи рекорд даражада эканлигини қайд қилди: 116,7 децибелга тенглигини кўрсатди. Шундай бўлса соддалигининг сабаби нимада экан! У шундаки, Шахасора мактаб ўқитувчиси, «қўқувчи» томонидан чиқарилган ҳар қандай шовқинни босиш унинг вазифасига кирар экан.

ЖОСУС АСАЛАРИЛАР
Биринчи жаҳон уруши арасида Франция қўшинларини чегара яқинидаги районларда тўплай бошлади. Франциядаги немис агентлари ҳарбий характердаги маълумотларни юбориш учун... асарлардан фойдалана бошлашди.

Шу мақсадда Германиянинг чегара яқинидаги районларидан асарларини асал хиди ердимида алабб. Франция территориясига жалб қилдилар. Шу ерда ариларнинг қорнига махсус лак ёрдамида юпка рангли ипни ёпиштирдилар. Пилда аскарлар жойлашган зонадан қизил ипни ариларини қўйиб юборардилар. Ҳаворинг иплар отлик аскарлар борлигидан хабар беради, яшиллари артиллерия борлигини кўрсатарди. Асарларилар ўз уяларига чегара орқали ўтиб, зарур ахборотларини ҳам олиб келардилар. «Труд»дан.

● Қани жонивор, томонинг кўрсатчи.

● Оққуш су паррандалари парси, деб бежиз айтишмайди.

Фототўюд.



10 апрелда А. Қодирий таваллудига 95 йил тўлади

«ХИТОЙ КОНСУЛИ»



Ушбу лавҳа отам — Ҳабибулла Қодирийнинг бузамиз ҳақида ёзган сўнгги хотираларидан биридир. Дадам ҳаётларининг охиригача давларига ҳам бузамиз — Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижодига боғлиқ ўзи яхши билган барча воқеа-ҳодисаларини ёзиб қолдиришга ҳаракат қилди. Аммо эсдаликларининг ҳаммасини ҳам эълон қилишнинг мавзуду келмади.

10 апрель — Абдулла Қодирий таваллуд топган кун. Шу кунда у кишининг порлоқ хотирасини чуқур ҳурмат билан эслаймиз.

Шеркон ҚОДИРИЙ.

1936 йил эди. Байрам бўлди-да, бибимга эслаш қилдик. Кечга томон одамлар оқими товсилганда «Эшонгузар» маҳалламиздаги Асом карвон исмли бир киши (дадамнинг мулла Зайнитдин, Низомиддин исмли ўртоқларининг укаси) келди, байрам билан муборакбод қилиб, биздан кўнгил сўради, меҳмонни дастурхонга таклиф этдик, ундан-мундан сузлашиб ўтирдик. Шу чоқ Асом амаки ниманидир эслаб дадамга қарата деди:

— Абдулла ака, ҳов ўша, Эски Жўвада озиқ-овқат мағазинида учрашиб қолганимизда сиз кимлар биландир сузлашиб турардингиз, кейин улар билан хайрлашиб мен билан кўчага чиқдингиз... Шундан мен «Бу хайрлашган кишиларингиз кимлар», деб сўрадим. Сиз «Кейин айтиб бераман» деб қулдингиз ва бо-зога кириб кетдингиз... Уша кишилар кимлар эди? Улар менга бир оз шубҳали бўлиб кўринишди...

Дадам кулиб ҳикоя қилиб берди:

Шу кун Эски Жўвадаги босмаҳонадан чиққанда, пивхонага кириб, икки шиша пиво олиб ёлғиз ўзим бир столга бориб ўтирдим. Ёнимдаги столда иккита татар йигити пи-

во ичишиб ўтиришарди. Улар менга қараб-қараб, бошимдаги қорақўл телпак, устимдаги мовут гимнастёрка, шим ва янги чивик беқасам тўнлардан «шубҳа»га тушдилар, шекилли, менинг ҳақимда ўзаро нима-ларинидир сузлашибди. Сўнгра бириси салом бериб ёнимга келиб, деди: «Манови ўртоғим, сизни хитой консули (ўша йиллари Хитой консули Тошкентда эди.— Х. Қ.) дедяпти. Шу тўғриси, жаноб!.. Мен кулиб «ҳа» дедим. Шундан сўнг улар мендан рухсат олиб, шималарини кўтариб столимга ўтиб ўтиришди.

Танишдик. Бириси дарҳол яна ўн шиша пиво кўтариб келди. Улфатчилигимиз қизиб кетди. Чамаси йигитларнинг тайинлик ишлари йўқдек кўри-нарди. Бироз ўтиргач, бириси: «Бу ўтиришимиз менга ёқма-япти, бирор иссиқ таом тай-ёрласак бўларди», деди. Иккинчиси: «Менинг хотиним тур-руқхонада ётибди, ҳали бирор ҳафта чиқмайди, уй ҳоли, юринлар меникига кетди» деди. Ичилган пиволарнинг пулини ўзлари тўлашди. Кўчага чиқдик.

Бириси, «Магазинга кириб озгина ҳарajat қилиб оламиз», деди. Озиқ-овқат мага-зинига кирдик. Ҳалиги хотини

тўққан йигит харид қила бош-лади: сариёғ, қолбаса, гўшт, балик, турли консервалар, арақ, коньяк, ширинлик ва хо-казо... Сотувчи аёл чўт қоқиб, харид этилган нарсаларнинг пулини ҳисоблади. Эллик неча сўм кам бўлибди...

Харид қилган йигит ёнимни кавлаб икки сўм чиқарди ва «сенинг ақчонг борми?» деб шеритгандан сўради. У «йўқ» деб, қўлларини ёзди. Сўнг у менга қаради. Мен кўкрак чўнтагинини кавлаб, тўрт сўм чиқариб узатдим. У жуда бў-шашиб тушди. «Вой, ўргилай сендан! Ҳали шу куруқ савла-тинг билан Хитой консули бў-либ юрибсанми?» дегандан менга ёқараш қилди. Яна эл-лик сўм топиш керак... Шун-дай бир мушкулда тургани-мизда сиз келиб қолдингиз... «Пулимиз йўқ... Ўтиришимиз бўлмайди» деганидан, ўртоқ-лар. Энди уй-ийимизга бора-қолайлик. Манови пул сиз-ларга, хайр!» дедим, қўлимда-ги тўрт сўмин узатиб ва сиз билан биргалашиб кўчага чиқ-дим. «Ўртоқларим» бўлса ган-ги қолаверинди...

Ҳабибулла ҚОДИРИЙ.

Суратда: Абдулла Қодирий ўғли Ҳабибулла билан.

• Социал масалалар бўлимида •

Адлия ходимлари билан суҳбат

ОЛИЙ жазога ҳукм этилди! Бизнинг суд органи-мизда камдан-кам ўқила-диган ҳукм. Нима учун камдан-кам? Суд бу ҳукм-ни тайёрлаш учун содир этилган ўта оғир жиноятни барча қонулар асосида очиб, исботлаб бериши ло-зими. Ҳукмни тайёрлашда шомша-шомарикка асло йўл қўйиб бўлмайди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар суди аъзоси Н. Ш. РУСТА-МОВ бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— МЕНИНГ судьялик фаолиятим давомида ана шундай ҳукм чиқаришга тўғри келган. Ҳар сафар жиноятни очинида унинг со-дир этилиши сабабларини топишга ҳаракат қиламан. Суд мажлисида ортиқча ҳис-туйғуларга берилмасдан барча фактларни чуқур ўр-ғаниб, амалдаги Қонулар асосидагина айбдорнинг ай-бини аниқлаш зарур. Ин-сон ҳақиқатан ҳам оғир жи-ноят содир этганда, уни жамиятимизнинг тўла ҳу-қуқли аъзоси сифатида қайта тарбиялаб бўлмаслик-ка ишонт ҳосил қилмас ва қонун бўйича унинг жи-ноятини олий жазога маҳ-кум этилишидан бошқа чо-ра қолмагач, ўзимиз ҳам оғир ҳўрсиниб ана шундай ҳукм чиқаришга мажбур бўламиз.

Олий жазога ҳукм этил-ганларнинг аксарият кўли ижтимоий келиб чиққини, оиласининг тайини йўқ, му-қим турар жойи, касби-кори бўлмаган кишилардир. Доим энгил ҳаёт учун пулга ўчлик ва ичкиликбозлик сингари сабаблар одамларни ана шундай жиноят содир этиш-ча олиб келади. Базми ми-солларни келтириб ўтамиз. Тошкентлик 60 ёшли Салим ака К. пенсия ёшига етган бўлишга қарамай ҳамон ишлашни давом этти-рарди. У ёлғиз йларди. Не-чалари зерикмаслик учун уйда студентларнинг ижа-ра туришига розилик бе-рарди. 1987 йилнинг сен-тябрь ойида бошпана қи-дириб юрган икки ўсмир билан танишиб қолади. Салим акага ёшларининг ҳа-зил-муйойига мойиллиги, ҳушчаққалиги маъқул ту-

шиб, уларга уйдан жой беради. Салим ака ҳамхона-лари билан биринчи тунни қандай ўтганини ҳам бил-лай қолди. Эртасига талаба-лар ўқишга кетиб, кун-дузи қайтиб келишди. Салим ака кеча чала қолган суҳбатни давом эттириш учун йигитлар яшайдиган хонага кирганда, улар чо-дан пул талаб қилишди. Рад жавобини олгач, йигитлар Салим акани ура кетди-лар. Биринчи зарбадан йи-клиб тушган чолин тепа бошлашди. Шундан сўнг талабалар қонга беланган чолининг юзига ёстиқ ёпиб ташқарига чиқдилар. Юз-қўлларини юйиб уйни аф-ғал-тунтар қилиб, бор-йў-ғи 3 сўм пул, пайпоқ ва рў-молча топишди. Бошқа ижа-рачи-студентларга тегишли бўлган дипломат ва янчис шимин олиб номаълум то-монга жўнаб қолдишди.

Марҳумга суд-медицина экспертизаси қуйидаги ҳу-лоса беради: жароҳатла-нувчи Салим ака К.нинг ик-ки томон қовурғаси син-ган, умуртқа поғонаси я-роҳатланган. Ўлим кўрақ қафасига нарса ботирилган-ни, шунинг натижасида нафас йўллари бензиб қолгандан сўнг юз берган.

«Қаҳрамонлар» билан та-ништирамиз. Дилоод Мад-рахимов, 1960 йил Анди-жон областида туғилган. Амурск областининг Тона-кан посёласида яшаб, меҳнат қилган. 1987 йи-лининг июль ойида ишдан бўшаб, қайта ишга кирма-ган. Абдуқалил Йўлдошев, 1964 йилда Авдичон об-ластида туғилган. 1986 йилнинг сентябрь ойига-ча «Ташсельмаш» заводига ишлаган. Жиноят содир эт-гунча ҳеч қаерда ишлама-ган, турар жойининг та-йини йўқ.

Йигитлар 1987 йилнинг сентябрь ойида жиноят со-дир этгач, дуч келган жой-да паноҳ топиб, одамлар-нинг кўзидан нарироқда юрадилар. Мардикорчилик билан шуғулланиб кун кўр-ганлар. 1988 йилнинг де-кабрь ойида улар янги жи-ноятга қўл урадилар. Шу орада яна бир «шерик» ор-тирадилар. Шавкат Се-

йитибрагимов пул топиш-нинг осон йўлини таклиф этади. Сейитибрагимов Мад-рахимов билан Ҳўжалик мол-лари мағазинидан болта со-тиб олиб, «Самарқанд» ав-тостанциясига келадилар. «Жигули» машинасини тўх-татиб, уч кишини Назарбек-ка олиб бориб қўйишни ил-тимос қилишади. Ёлдек учиб кетаётган машина ГАИ постидан ўтгач, йигитлар уни тўхташга мажбур қи-лишади. Ҳайдовчининг бо-шига болта билан тушириб, қўлидан соатни ечиб, пул-ларини олиб ўзини маши-надан тушириб қочиб қола-дилар. Ҳайдовчи А. Мираҳ-медов бахтли тасодиф ту-ғайлигига тирик қолади, ўқинчи йўловчилар уни қас-салхонага етказадилар. Шун-дай қилиб, жиноятчилар ўғрилиқ мақсадида одам жонига суиқасд қилишга-ча бориб етадилар. Улар ма-шинани Чилонзор массиви-га ташлаб, ўзлари яшири-надилар.

«Жигули» ҳайдовчисидан тортиб олинган пул тез та-мон бўлади. Орадан ўн кун ўтгач, Д. Мадрахимов А. Йўлдошевлар янги «ше-рин»лари Андрей Қодиоров билан ана шундай «овга» чиқиб планани тузадилар. 10 декабрь куни мардикор-чиликдан тушган 25 сўм пулга ливно олиб йчадилар. У камлик қилади. Бадали қизиган йигитлар Сергели массивида яшайдиган та-нишлариникига келиб «са-могон» ичиб, кайф билан кўчага чиқадилар. Кўчада Ш. Тоҳиров бошқариб ке-лаётган «Москвич» автома-шинасини тўхтатиб, мани-шларига етказиб қўйишни сўрайдилар. Кўп юрмай, пана жойда танишларини билан ўғирлаб чиққан бол-га ва пичоқ билан ҳайдовчи-ни ваҳшийлорча ўлдир-дилар. Мурдани машина-нинг орқа ўринидига ёт-қизиб, Новомосковский кў-часи томон йўлга тушади-лар. Уларнинг нияти мур-дан Салор кўпнигига йт-қитиб юбориш эди. Маши-нани кўприк остида тўхта-тиб, жиноятчилар эҳдигина мурдани олаётганларида тасодифан қаердандир ми-лиция машинаси келиб қо-

лади. Милиция ходимлари шу заҳотиёқ шубҳали шахсларни бориб текшира-дилар... Орадан маълум муддат ўтгач, эса улар қил-ган жиноятларига иқроф бў-ладилар.

Судланувчилар суд маж-лисида турли хил найранг-лар ишлашиб кўрдилар, терговдаги дастлабки кўр-газмаларини ўзгартира бош-ладилар. Улар, ҳатто жи-ноят содир этаётган пайтда садоматликларни ёмонлиги-ни ҳам рўқач қилдилар, би-роқ суд-руҳий амбулатория экспертизаси уларнинг ба-ҳоналарини тасдиқламади. Жиноятчилар пайти келган-да айбни бир-бирларига тўнкашга ҳам — уриниб кўр-дилар.

Жиноятчиларни жиноят ботқонига етаклаган асосий сабаб битта — уларнинг оиласи йўқлиги, иш ва яшаш жойининг тайини бўлмаганлигидир. Жамият-дан ажралиб қоллиб, ўз билгандан қолмай, саяқ қоришини оқибати бу. Улар уч сўм пул, бир шиша арақ учун ҳеч нарсадан тап тор-тирмайдиган даражага етиб келгандилар. Жиноятчилар виждон, ор-номус, меҳр сингари одамийлик фази-латларидан мутлақо маҳ-рум эдилар.

Бизнинг уларга муноса-батимиз қандай бўлди? Биз барча ҳиссиётлар, шахсий фикрлашлардан воз кечи-б, содир бўлган жиноятни тошу-тарозига солиб, қонун асосида ҳукм чиқардик. Халқ маслаҳатчилари би-лан узок тортишдик, ниҳо-ят, суд жиноятчилар Дило-од Мадрахимов ва Абду-қалил Йўлдошевларни олий жазога, жиноятчи Андрей Қодиоровни ўн беш йилга озодликдан маҳрум этиш ва унга тегишли бўлган мол-мулкни мусодара қилишга ҳукм чиқардик.

Оғир ҳукм! Биз бу жи-ноий ишни кўриб чиқишга объектив ёндашдик. Янги-да Ўзбекистон ССР Олий суди ушбу жиноят ишнини тасдиқлаб, ҳукмини ўз қу-да қолдиргани ҳам буни ис-ботлаб турибди.

Суҳбатчи Р. ИБРОҲИМОВ ёзиб олди.



ХАБАР БЕРАДИ

● ОЛМАЛИҚ шаҳар ич-ки ишлар бўлимига шу ша-ҳарда истиқомат қилувчи И. Т. Б. исмли аёл му-рожаат этиб, кундуз кунни унинг уйига номаълум кимсалар қулфин бузиб кириб, 800 сўмлик пул ва қимматбаҳо буюмларни ўғирлаб кетиш-ганини маълум қилди. Фу-р-сатни бой бермай ишга ки-ришган участка инспектори ва жиноят қидирув бўлими ходимларининг ҳамкорли-гда ҳаракатлари туфайли, эртасигаёқ Виктор Кузев-ров-Мирзаев деган шахс қўла-олинди. Шу шаҳарда истиқо-мат қилувчи, вақтинча иш-ламаётган бу одам ўз қили-мига тўлиқ иқроф бўлди. Унинг ёнидан далилий аш-ёлар ҳам топилиди.

Бу воқеа кишилар юз берган ҳодиса ва унинг таф-силотлари ҳақида милицияни дарҳол хабардоғи қилсалар, айбдорлар тезроқ фош эти-лишини яна бир бор исбот-лаб беради.

● ОБЛАСТЬ Давлат ав-тоинспекцияси ходимлари «Пискент» совхозининг 4-бўлимида маст ҳолда мото-циклда сайр қилиб юрган кишиларни тўхтатишди. Маъ-лум бўлишча, «Иж-Юпи-тер» маркали ва 26—63 ТША давлат номерли ушбу мотоцикл 18 март куни Тошкент шаҳрининг М. Горь-кий кўчасидаги 89-уй олди-дан ўғирлаб кетилган экан. Ўғирланган мотоциклда сайр қилиб юрганлар Тошкент шаҳридаги «Заря» коопе-ративининг ишчиси, 19 ёшли Ю. П. Шипулин ва ядро фи-зикаси институтини ишчиси, 18 ёшли В. Е. Ташкенич бўлиб қиқди. Бу иш мате-риаллари тергов учун Тош-кент шаҳридаги Қўбншев рай-он ички ишлар бўлимига топирилди.

С. ХАСАНОВ

ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

10 АПРЕЛЬ

ЎЗТВ

15.00 Ангаш. Телефильм.
15.25. Комендантлик соати.
Бадий фильм. 16.45 Табиатшунослик. Ўзбекистонда баҳор. 17.15 Йўл. Телевизион бадий фильм. 18.00 Янгилар. 18.15 Совабон. Мультифильм. 18.20 Болалар учун. Бойбекча. 18.50 Концерт. 19.30 Сўздан амалий ишга. 20.00 Ахборот. 20.20 Енисей тепалиқларида. Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.55 Инсон ва қонун. Кооперацияда ҳуқуқларни бузилиши ҳақида. 21.30 «Время». 22.05 Ўзбекистон ССРда Иркутск области маданияти кунларининг тантанали очилиши.

ЎЗТВ II

19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. 19.55 Генерал Раҳимов. Бадий фильм.
ФУНЗЕ КўРСАТАДИ
21.30 «Время». 22.05 Бир хушчақчақ дўстим бор. Бадий фильм.

MT-I

7.00 «120 минута». 9.05 Мультипликацион фильмлар. 9.50 Футбол шарҳи. 10.20 Ҳалати кўргазма. Бадий фильм. 11.50 Янгилар. 12.00 Полюсье ҳалқларининг рақслари. 12.20 Ҳайвонот оламида. 16.00 Янгилар. 16.10 А. Руссель. Бахус ва Ариадна балетидан сюита. 16.30 Кра. Кра. Ҳужжатли фильм. 16.50 Онам. дадам ва мен. 17.20 Болалар соати. 18.20 Ҳужжатли фильм. 18.45 Футбол шарҳи. 19.15 Мультифильмлар. 19.35 Қаҳрамонни кутмайлик. 20.05 А. П. Чехов театри. Олчазор. Фильм-спектакль. 21.30 «Время». 22.05 Олчазор. Фильм-спектакль давоми. 23.20 Дунё воқеалари. 23.35 Тео Адам тақдир этди. Музикали программа.

MT-II

Эралабик гимнастика. 9.15 Илмий-оммабон фильм. 9.35. 10.35 Н. В. Гоголь. Улик жонлар. 10.05 Италия тили. 11.05 Сиз яратган боғ. 11.35, 12.35 Биология. 12.05 Илмий-оммабон фильм. 13.05 Онам эрта тегди. Бадий фильм. 14.25 Янгилар. 14.35 Киножурнал. 14.55 Оламда қўшиқ яшар. 17.35 Янгилар. 17.45 Ҳужжатли фильм. 18.05 Стол тенниси. 18.45 Томошабинсиз концерт. 19.15 Совет Иттифоқига хизмат қилган. 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.30 Темз телевижи билан беш кеча. Бадий фильм. 1-серия. 21.00 Инглиз боғи. Ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 Темз телевижи билан беш кеча (давоми). 23.05 Тонгги почта. Музикали кўрсатади. 23.35 Янгилар. 23.45 Концерт. 24.00 Баскетбол. МАСК — «Горизонт». 2-тайм.

11 АПРЕЛЬ

ЎЗТВ

15.00 Менинг Ватаним. Кинопрограмма. 16.00 Малина виноси. Бадий фильм. 17.30 Фильм-концерт. 18.00 Янгилар. 18.15 Мультифильм. 18.30 Ўсмирлар учун. Камалак. 19.15 Давлат манфаати. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 Ўзбекистон ва замон. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 21.30 Азана ва замон. 23.15 Ўзбекистон ССР халқ артисти Н. Ҳамроқуллов куйлайди.

ЎЗТВ II

19.25 Ҳужжатли фильм. 19.50 Жангчи она аллеси. Бадий фильм. 21.00 «Тошкент» студияси кўрсатади.

ФУНЗЕ КўРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Бадий фильм.

MT-I

7.00 «120 минута». 9.05 Олчазор. Фильм-спектакль. 11.40 Янгилар. 11.50 Бу бўлган... бўлган... 12.05 Болалар соати. 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Концерт. 16.50 Кишлоқ истикболлари. Ҳужжатли фильм. 17.30 Дунё болалари нималар ҳақида куйлашди. 18.15 Биринчи сакраш. Ҳужжатли

фильм. 18.30 Компьютер билан мулоқот. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Сиз бунга қодирсиз. 20.00 Останкино концерт студиясида педагог М. П. Шчинин билан учрашув. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Кинорежиссёр А. Сокуров фильмлари. Ҳужжатли фильм. 24.00 Дунё воқеалари. 00.15 Фильм-концерт.

MT-II

9.00 Эралабик гимнастика. 9.15 Илмий-оммабон фильм. 9.35, 10.35 География. 10.05 Француз тили. 11.05 ПТУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 География. 12.05 Француз тили. 13.05 Темз телевижи кампаниясининг программаси. Бадий фильм. 1-серия. 13.35 Ҳужжатли фильм. 14.05 Янгилар. 14.15 Темз телевижи кампаниясининг программаси (давоми). 15.15 Ритмик гимнастика. 16.00 Ҳужжатли фильм. 17.30 Янгилар. 17.40 Ритмик гимнастика. 18.25 РСФСР шахарлари телестудиялари. 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.30 Темз телевижи билан беш кеча. Бадий фильм. 2-серия. 21.00 Юриш сиздан. Комедия фильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 21.15 Темз телевижи билан беш кеча (давоми). 23.15 Янгилар. 23.20 Хоккей. Миллий хоккей лигасининг чемпионати.

12 АПРЕЛЬ

ЎЗТВ

15.00 Ҳужжатли фильм. 15.10 Жангчи она аллеси. Бадий фильм. 16.30 Бутунитифоқ болалар ва ўсмирлар музикаси ҳафталиги ҳамда «Санъат байрами» республика кўрик-конкурси қатнашчиларининг концерти. 17.30 Физика. 18.05 «Ешлик» студияси кўрсатади. 18.50 Пахтачилик: таъриба ва муаммолар. 19.20 Адабий театр. А. Орпов. Ўзбекистон — Ватаним менинг. 20.00 Ахборот. 20.20 Мультифильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Рақслар гүлдаси. Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. Оталар сўзи — ақлнинг кўзи. 23.05 «Тошкент» студияси кўрсатади.

ЎЗТВ II

19.25 Оқсоқ дарвеш. Бадий фильм. 21.00 Кинолаҳза. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.15 Гагарин юдузлари. Фильм-концерт.

ФУНЗЕ КўРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Ак оргоо. Корком омор корсоуусу. 23.15 Парвоз. Бадий фильм. 1-серия.

MT-I

7.00 «120 минута». 9.05 Бу фантастик олам. 10.15 Останкино концерт студиясида педагог М. П. Шчинин билан учрашув. 11.45 Янгилар. 11.55 Саёҳатчилар клуби. 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Музикали ҳазина. 17.05 Ҳужжатли фильм. 17.35 Болалар соати. 18.35 Қалба яқин қўшиқлар. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Космонавтика кунига. Инсон. Ер. Коинот. 20.30 П. И. Чайковский. Балетлардан парчалар. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Жаҳон авиация ва космонавтика кунига.

MT-II

9.00 Эралабик гимнастика. 9.15 Илмий-оммабон фильм. 9.35, 10.35 Теварак-атроф билан танишиш. 9.55 Фан ва техника. Киножурнал. 10.05 Немис тили. 10.55 Фан ва техника. 11.05 ПТУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 А. Н. Толстой. Рус характери. 12.05 Немис тили. 13.05 Темз телевижи кампаниясининг программаси. Бадий фильм. 2-серия. 13.35 Юриш сиздан. Комедия фильм. 14.05 Янгилар. 14.15 Темз телевижи кампаниясининг программаси (давоми). 17.20 Ян-

гиликлар. 17.30 Гюлли. Бадий фильм. 18.50 Мультифильм. 19.00 Тогли Олтой области телевидение ва радиозиттириш комитети. 20.05 Ҳужжатли фильм. 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.30 Темз телевижи билан беш кеча. Бадий фильм. 3-серия. 21.00 Ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Темз телевижи билан беш кеча (давоми). 23.15 Янгилар. 23.25 Фильм-концерт. 24.00 Футбол. ГДР — Туркия терма командалари. 2-тайм.

13 АПРЕЛЬ

ЎЗТВ

15.00 Телефильм. 15.10 Оқсоқ дарвеш. Бадий фильм. 16.45 Мактаб ўқувчилари учун. 17.30 Жамиятшунослик. 18.00 Янгилар. 18.15 Сўз кетидан сўз келар. 18.45 Комсомол прожектори. 19.00 Санъат оламида. 19.30 Озбек оқсат программаси амада. 20.00 Ахборот. 20.10 Мультифильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Навоийхонлиги. Музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Кино, кино, кино...

ЎЗТВ II

19.20 Телефильм. 19.50 Реклама. 20.00 Россиянинг оппоқ қорлари. Бадий фильм.

ФУНЗЕ КўРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Парвоз. Бадий фильм. 2-серия.

MT-I

7.00 «120 минута». 9.05 Дунё болалари нималар ҳақида куйлашди. 9.50 Ватан қанотлари. Ҳужжатли фильм. 10.50 Янгилар. 11.05 Ватан қанотлари. Ҳужжатли фильм. 11.55 Болалар соати. 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Концерт. 16.55 Абдулла Қаҳҳор. Ҳужжатли фильм. 17.25 Мультифильм. 17.45...16 ёшга ва ундан катталар. 18.30 Импульс: ташаббус, тадбиркорлик, даромад. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Хоккей — Советларга! 20.00 Мультифильм. 20.20 Визирнинг шухрати ошганда. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Ленинкада ҳайрия концерти. 23.45 Дунё воқеалари. 24.00 Ақтуал объекти.

MT-II

9.00 Эралабик гимнастика. 9.15 Илмий-оммабон фильм. 9.35. 10.35 Табиатшунослик. 9.55 Фан ва техника. 10.05 Испан тили. 10.55 Киножурнал. 11.05 Онам. дадам ва мен. 11.35, 12.35 Музика. 12.05 Испан тили. 13.05 Темз телевижи кампаниясининг программаси. Бадий фильм. 13.35 Ҳужжатли фильм. 14.05 Янгилар. 14.15 Темз телевижи кампаниясининг программаси (давоми). 15.15 Ҳужжатли фильм. 15.35 Сизни музика тақдир этди. 17.35 Янгилар. 17.45 Бизнинг фондиздан. 18.40 Мультифильмлар. 19.10 Реклама. 19.15 Кекса ёшдагилар учун. 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.30 Темз телевижи билан беш кеча. Бадий фильм. 4-серия. 21.00 Бенин Хилл шуиси. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Ленинкада ҳайрия концерти. 23.45 Янгилар.

14 АПРЕЛЬ

ЎЗТВ

15.00 Россиянинг оппоқ қорлари. Бадий фильм. 16.30 Телефильм. 16.45 География. 17.15 Манзарали фильм. 17.30 Адабиёт. 18.00 Янгилар. 18.10 Дала ҳовли юмушлари. 18.50 Азана ва замон. 19.30 Обьектида — қайта куриш. 20.00 «Ахборот». 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 Дўстлик концерти.

15 АПРЕЛЬ

ЎЗТВ

9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Мактабларни битирувчилар учун контроль ишшо. 10.20 Яқна сузиш. Бадий фильм. 11.55 Дўстларимиз тароналари. 12.15 Спорт программаси. 13.15 Кинобо дўстлар. 14.00 Концерт. 14.45 «Замандас». 15.45 Станислав Стротиев. Тугмача. Бир сахнали пьеса. 18.05 Мультифильм. 18.15 Тенгдошлар. 19.15 Мультипанорама. 20.00 «Ахборот». 20.20 Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Музика жавони. 21.30 «Время». 22.05 Қардош республикалар иттифоқи. 23.35 Фильм-концерт.

ЎЗТВ II

19.25 Одерда баҳор. Бадий фильм. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.15 Дўстлик оҳанглари.

ФУНЗЕ КўРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 Буюк ишлар бошида. Бадий фильм. 1-серия.

MT-I

7.00 «120 минута». 9.05 Мультифильм. 10.00 Визирнинг шухрати ошганда. Бадий фильм. 11.20 Янгилар. 11.30 Инсон институти. 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.35 Ҳужжатли фильмлар. 17.20 Мультифильм. 17.30 Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 18.00 «Олтин шайба» клубининг соврини учун. 18.45 Т. Кирьяк тароналари. 19.10 Сени севман, ҳаёт. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 «Интерсигнал». 20.00 Мультифильмлар. 20.20 Бегона. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 Ҳужжатли фильм. 22.30 Бу бўлган... бўлган. 22.50 Катталар учун мултифильм. 23.00 «Нигоҳ».

MT-II

9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабон фильм. 9.35. 10.35 В. П. Катаев. Полк ўғли. 10.05 Инглиз тили. 11.05 Н. В. Гоголь. Улик жонлар. 11.35, 12.35 М. М. Пришвин. Куёш омборонаси. 12.05 Инглиз тили. 13.05 Темз телевижи кампаниясининг программаси. «Фиръавн». Бадий фильм. 4-серия. 13.35 Бенин Хилл шуиси. 14.05 Янгилар. 14.15 Темз телевижи кампаниясининг программаси (давоми). 15.15 Ритмик гимнастика. 15.45 Ҳужжатли фильмлар. 17.35 Янгилар. 17.45 Ҳужжатли фильм. 18.05 Ритмик гимнастика. 18.35 Украина ССР давлат теле радиоси. Одесса телевидение студиясининг программаси. 19.25 П. И. Чайковский. Италиян Каприччиоси. 19.45 СССРда ихтиро қилинган. 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.30 Темз телевижи билан беш кеча. Фиръавн. Бадий фильм. 5-серия. 21.00 Доска. Комедия фильм. 21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 Темз телевижи билан беш кеча. Давоми. 23.10 Футбол. «Торпедо» — «Днепр». 00.50 Янгилар.

16 АПРЕЛЬ

ЎЗТВ

9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Мактабларни битирувчилар учун контроль ишшо. 10.20 Яқна сузиш. Бадий фильм. 11.55 Дўстларимиз тароналари. 12.15 Спорт программаси. 13.15 Кинобо дўстлар. 14.00 Концерт. 14.45 «Замандас». 15.45 Станислав Стротиев. Тугмача. Бир сахнали пьеса. 18.05 Мультифильм. 18.15 Тенгдошлар. 19.15 Мультипанорама. 20.00 «Ахборот». 20.20 Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Музика жавони. 21.30 «Время». 22.05 Қардош республикалар иттифоқи. 23.35 Фильм-концерт.

ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ

18.05 Ҳокки сифи ўқувчилари учун кўрсатади. 18.45 Мультифильмлар. 19.10 Гулшани адаб. 20.00 Информацион программа. 20.30 Санъат усталарининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 Қардош республикалар иттифоқи. 23.35 Хивачасига ажрим. Фильм-концерт.

MT-I

7.00 «120 минута». 9.05 Уй академияси. 9.35 Бетховен. Скрипка ва фортепьяно учун 5-соната. 10.00 Йил фасллари. 11.00 Чашмалар. 11.30 Мультифильмлар. 12.00 Социализм мамлакатларида. 12.30 Мўъжизасиз мўъжизалар. 13.30 Концерт. 14.00 Шанба-ота-оналар кун. 15.30 Дунё воқеалари. 15.45 Андрей Миронов иштирок этган фильмлар. 17.35 Абл ҳақида ўн беш дақиқа. 18.00 Москва-Хельсинки телекўприги. 19.35 Халқаро программа. 20.35 Номаълум Чаплин. Теле-

визион фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Телеомошабин ҳамоҳи. 22.25 Шанба оқшомида. 22.35 Борис Рубашкин куйлайди. 00.35 Акс-садо: шу ҳафтанинг воқеалари. 00.50 Жаҳон видеомузикасининг филли.

MT-II

8.30 Эралабик гимнастика. 8.45 Кишлоқ янгиларлари. 9.45 Оркестр билан катта куча бўйлаб. Бадий фильм. 11.15 Иттифоқдош республикалар кинопублицистикаси. Ҳужжатли фильм. 12.05 Темз телевижи кампаниясининг программаси. Бадий фильм. 5-серия. 12.35 Комедия фильм. 13.05 Ҳужжатли фильм. 14.05 Реклама. 14.10 Ҳужжатли фильмлар премьераси. 15.05 Телевизион музикали абонемент. 16.15 Ҳужжатли фильм. 16.45...16 ёшга ва ундан катталар. 17.30 Мавзуга оид вариациялар. Композитор А. Эшпай. 18.25 Миллатлараро муносабатлар: тарихий таъриба ва муаммолар. 19.10 Ҳужжатли фильмлар экран. 19.40 Концерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар! 20.45 Оддий ҳаёт. Ҳужжатли фильм. 21.20 Халқ куйлари. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей. СССР — АҚШ терма командалари. 00.20 Янгилар. 00.25 Футбол. «Динамо» (Киев) — «Спартак». 2-тайм.

17 АПРЕЛЬ

ЎЗТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион музикали программа. 10.00 Ойла даврасида. 10.40 Биргаликда куйлайми. 11.05 Ташқи бозорга кўл. 11.40 Ёш спортчи мактаби. 12.40 Наврўз олам. Музикали программа. 14.15 Элга хизмат: талаб ва тақдир. 14.45 «Ешлик» студияси кўрсатади. 18.05 Болалар учун фильм. 19.00 Фан уфклари. 19.40 Болтик деңизи. Телефильм. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Дам олиш музикали программаси. 21.30 «Время». 22.05 Барҳаёт наволар.

ЎЗТВ II

17.05 Мультифильм. 17.15 Реклама. 17.25 Менинг Ўзбекистоним. Манзарали фильм. 17.35 Интерэкран. Эстония телевидениесининг программаси. 18.40 Қадргаги мулоқот. 19.40 Эзгу умидлар. Телефильм. 20.10 Қадир тун. Қирғизистон мусулмонлари қозиси С. Камолов билан учрашув. 21.00 Ала-Тоо Эргактери. 21.30 «Время». 22.05 Буюк ишлар бошида. Бадий фильм. 2-серия.

MT-I

8.30 Янгилар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортло то тиражи. 9.30 Эрта сахарлаб. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қилган. 11.30 Тонгги почта. 12.00 Оламга савҳат. Альянах. 13.00 Эртэк ҳузурди махмонда. Эрталарк зифаоти. 14.25 Музикали киоск. 14.55 Очк эшиклар кун. 15.40 Концерт. 16.30 Нигоҳ. Яқшабсон. 17.30 Кишлоқ янгиларлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультифильмлар. 19.15 Номаълум Чаплин. Телевизион фильм. 2 ва 3-сериялар. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор. 22.20 Навқирон кино. 23.45 Янгилар.

MT-II

8.30 Зарядкага сафланнинг. 8.45 Ҳужжатли фильмлар. 9.25. Гюлли. Бадий фильм. 10.45 Н. Кушченкова куйлайди. 10.55 Экранда-01 хизмати. Илмий-оммабон фильм. 11.30 Агар сизга... 12.15 Спарожелик Дунай ортида. 13.25 Туртинчи вариант. 14.30 Кўприкдаги кишилар. Бадий фильм. 16.10 Ҳужжатли фильмлар. 16.30 Мультифильм. 16.40 РСФСР шахарлари телестудиялари. 17.45 Мультифильмлар. 18.25 Унутилмас музикали кечалар. 18.50 Футбол. «Динамо» (Киев) — «Спартак». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Сергей Есенин ватанининг қўшиқлари. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор. 22.20 Хоккей. Финляндия-ЧССР терма командалари. 00.35 Янгилар.

• НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ



ҚУШ ҚУВОНЧ

★ СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.
М. Назаров фотолари.



БУ ИККИ воқеа бир кунга тўғри келгани айтиш мумкин бўлди. «Наврўз» тантаналари маҳалланинг янги чойхонасида нишонланди.

Ҳамма райониди 22-маҳалла аҳли, айниқса, ёш улуглар бўш вақтда бир пиёла чой устида ота-бобо ва тўпаниш учун тайинли жой йўқ эди. Шундан сўнг ҳашар йўли билан маҳалла чойхонасини куришга келишди. Кўндан иш қочиб қўтилармиди? Кисқа вақтда шинамгина чойхона ёш-қарини бағрига қорлади.

Маҳалла аҳли «Наврўз»ни ҳам янги чой-

хонада нишонлашга қарор қилди. Ҳаммага қувонч бағишлаган халқимизнинг бу қадимий байрамини нишонлашга ҳамма бош қўшди. Айёллар сумалак пиширдилар, кўклар таомлари тайёрлашди. Эраклар дошқозонда ош дәмлашди.

Янги чойхонадаги шодиёнага таниқли шоир, СССР халқ депутати Абулла Орипов, ҳушовоз қўшиқчи Хотам Хожиевлар янада фойз киритдилар. Бу ерда лапарлар янгради, аския овжига чиқди.

22-маҳалла аҳли биргаликда кўп нарсаларни ҳал қилиш мумкинлигини амалда

исботладилар. Улар ҳашар йўли билан ариққа суя чиқариб, экин у даракларни яшнатмоқдалар. Энди маҳаллани телефонлаштириш, газлаштириш ишлари авж олдирилган. Буларнинг ҳаммасига маҳалла комитетининг раиси Мухаммад-алин Расулмухамедов бош-қош.

Ҳашар йўли билан бунёд этилган чойхона эса маҳалла аҳлининг энг сеvimли жойи бўлиб қолади.

А. КЕЛДИЕВА.

«ЯНГИ ТУРМУШ»ДА БАЙРАМ

Собир Раҳимов райониди Фаробий кўчасида жойлашган «Янги турмуш» маҳалласига ҳам Наврўз гул, баҳор табассуми билан кириб келди. Маҳаллада бундай анъанавий халқ байрамлари биринчи бор нишонланиши. Бунинг кўп сабаблари бор, албатта. Илгари маҳалла аҳли уюшмаган, тарқоқ, ҳар қандай яхши ташаббус ҳам одамларнинг лоқайдлиги туфайли рўйга чиқмас, маҳалла айтиларини эса бу ва шунга ўхшаш хайрли ишлар кўп ҳам қизқитирмас, беғамлик гирдобига тушиб қолган эди. Бу йил ана шу гафлат гирдоби барҳам топди. Улкамизда бошланган катта байрам тантаналари маҳаллада ҳам ўз сепини ёйди.

Дам олиш кунлари ҳамма

яхши ният билан ҳашарга отланди. Кўчалар, ариқлар, майдонлар тозаланди, катта кўклар дәмзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу ишларга маҳалла комитети раиси Ҳакимжон Алимов раҳбар жамоатчи отахонлар бош-қош бўлишди.

Ахир Наврўзнинг чиндан ҳам ўзига хос хислати бор. У одамларга фақат шодлик, баҳор тороватига улашиб қолмай, кишилар, жамоа ўртасида аҳиллик, дўстлик ва оқибат ришталарини бир-бирига маҳкам боғлайди, яхши орзу-ният ва эзуликларга қанот бағишлайди.

...Ана бир қаранг! Одамлар қанчалар шодон, кўзларида нур, чехраларида табассум. Гўё улар катта тўйга

йиғилишгандай. Тўкин, гулдор дастурхон ҳам тантана руҳига монанд. Кенг олинган давра столга қўйилган ҳамма нарсасида фасл муҳри бор: маҳалланинг моҳир пазандалари пишириб-қуйдирган кўклати тансиқ таомлар, ширмоён нонлар, тандир сомсалар, дошқозонда обдон ширга боғлаб этилган сумалак ризқ тахтига қўйилган.

— Маҳалламиз хотин-қизлари Наврўз байрами ўтказилишини шоду-хуррамлик билан қарши олишди, — дейди маҳалла хотин-қизлар Кенгазининг раиси Кимёхон Ғуломова.

— Байрамга тайёргарлик кўришдан ҳеч ким четда қолмади. Айниқса, қаҳрамон она Насиба Дўстмухамедова, Холида Жалилова, Муаззам Мирза-

раҳимовалар ҳаммага ибрат бўлишди.

Маҳалла эраклари ҳам томошабин бўлиб қолишмади. Улуғ Ватон уруши қатнашчиси Мирасқар ака Мирза Раҳимов тантанасига қўлинг ўргулсин лавонхонтўра дәмлаб берди, ҳамманинг олқишига сазовор бўлди.

Маҳалла байрамга райондаги 4-маданият уйи бадий ҳаваскорлари — А. Қорабоев, А. Эгамбердиев ва халқ талаблари Исмоилжон Турдалиев, Усмои Иброҳимов, А. Толиповлар меҳмон бўлиб келишди. Халқимиз севган кўй-қўшиқлар билан йиғилган жамоа кўнгилни хушнуд эттирди. Наврўз шодиёнасида район маданият бўлимининг мудир Тоҳир Икромов қатнашиб, йиғилганларни севимий табриклади.

Маҳаллада анъанавий байрам бутун кун давом этди. Ҳ. НОСИРОВ.

• ФУТБОЛ

ИККИ ТЎП, ИККИ СОВРИН

● УТГАН кун «Пахтакор» футболчилари мамлакат чемпионатининг дастлабки учрашувини Ланчхутининг «Гурни» коллективи билан ўтказдилар. Ўйна бошлангич билиноқ ҳар иккала команда аъзолари ташаббусни қўлга олишга ҳаракат қилишди. Меҳмонлар ҳам имкони бўлди дегунча А. Яновский дарвозасини нишонга ола бошладилар. Навбатдаги ҳужумларнинг бирида О. Коргалдиннинг тепган тўп дарвоза тўсинига тегиб қайтди. Бу ҳимоячиларимизни янада хушёрликка даъват этди. Никоят 33-минутда ишқибозлар олқиши янгради. О. Синебобовнинг кучли зарбасидан сўнг «Гурни» дарвозабони А. Кантария доғда қолди. Орадан 4 минут ўтгач ҳимоячимиз А. Микляевнинг 25 метрлар чамасидан киритган иккинчи тўпидан сўнг меҳмонлар командаси ўстозин М. Фоменко саросимига тушиб қолган дарвозабон А. Кантарияни алмаштиришга мажбур бўлди. Унинг ўрнига М. Абусеридзе тушди.

Танаффусдан сўнг 3 минут ўтгач ўнг қанотдан олдингига ўтиб дарвозани нишонга олган Г. Гурули тўпни А. Яновский қийинчилик билан қайтаришга муваффақ бўлди, лекин унга биринчи бўлиб етиб келган Б. Придоншишлик микоянни тўп бермади. Кейинчалик ҳар иккала команда ҳисоби ўз-гартариш муамми эди, бироқ дарвозабонлар ва ҳимоячилар бехато ўйнадилар.

«Пахтакор» 2:1 ҳисобида дастлабки ғалабани қўлга киритди. Биринчи тўпни киритган ўйинчи учун республика футбол бошқармаси тавсия этган соврин О. Синебобовга, ҳар иккала команданинг энг яхши ўйинчилари учун республика касса соювлари ва Ўзбекистон ноасомоли Марказий Комитети мукофотлари А. Микляев билан Б. Придоншишликларга топширилди.

Биринчи турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Торпедо» [Кт] — «Нистру» — 1:3; «Котайк» — «Тавриз» — 0:0; «Металлург» — «Даугава» — 1:0; АСК [Р/Д] — АСК «Карпати» — 3:1; «Спартак» [Ор] — МАСК — 0:1; «Нефчи» — «Кузбасс» — 0:0; «Динамо» [Бт] — «Факел» — 0:0; «Кайрат» — «Динамо» [Ст] — 1:0; «Кубань» — «Ростсельмаш» — 1:0.

У. ШАРОПОВ.

Мухаррир
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издаётся на
узбекском языке

Редакция адрес:
700083, ГСП, Ташкент,
Ленинград кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48,
32-53-54 хатлар ва оммавий
ишлар бўлими.



★ СУРАТЛАРДА: Наврўз байрами тантаналаридан лавҳалар.



Х. ШОДИЕВ фотолари.

МАКТАБ ДОИРАЧИЛАРИ

Пойтахтнинг А. Икромов райониди 116-мактабда доирачилар тўғрисида ташкил этилди. М. Горький номи маданият уйи ташаббуси билан тузилган, Файзулла Розиков раҳбарлик қиладиган мазкур тўғрада 22 нафар ўқувчи чилдирма

чалиш усулларини ўргана бошладилар.

Шу кунга қадар ёш шинавандалар «Доира оҳанглари», «Қўнча» каби халқ куйларини ўзлаштирдилар. Бу тўғрада мактаб талабаларида санъатга меҳр уйғотмоқда.

М. ШОКУСУПОВА

● ҚОРОНГУЛИҚДА бир дақиқагина бўлган инсон кўзларининг ёруғлигига таъсирчанлиги 10 баробар орта экан. 20 минутдан сўнг эса — 6 минг марта, 40 минутлик тўла қоронғуликдан сўнг эса бу рақам энг юқори нуктага чиқиб, таъсирчанлик 25 минг мартага етар экан.

● МИЯ сезги органлари қабул қилган

БУ—ҚИЗИҚ!

ахборотларнинг бир фовзигина қайта ишлар, қолган 99 фовзи киераксиз нарсаси фатиди эътибордан четда қолдирар экан.

● ЮРАК ҳар кун шунангга ғайрат билан ишлар эканини, бунинг натижасида сарф бўлган қувват 900 килограммлик юкин 14 метр баладликка кў-

тариб бериш кучига тенг экан. 50 ёшга яқинлашганда инсон юраги бажарган ишни 18 минг тонна юкин 227 метр баладликка кўтаришга кетадиган куч-қувват билан тенглаштирс бўлади.

● ИНСОН уйқусиз бор-йўғи 10 сутка яшаши мумкин, овқатсиз эса бир неча ҳафта.